

Россия Федерациясининг савдо ва материал ресурслар министрлигининг савдо бўйича комитети раиси ўринбосари В. Тихоновнинг берган маълумотига қараганда, Россияда гўшт ва парранда маҳсулотлари 19 кунга, ёғ бир ойга, қанд эса 41 кунгагина етади. Маҳсулот ишлаб чиқариш кундан-кунга камаймоқда. Озуқа етишмаслиги натижасида қора моллар ёппасига гўштга топшириляпти.

Сума шаҳрида янги болалар ташкилоти ташкил этиш ишлари олиб бориляпти. Ташаббускорларнинг фикри билан биринчи синф ўқувчилари декабрчилар сафига ёзилишлари керак. Бундай гуруҳлар 1 декабрь кунини ўтказилган бутунукраина мустақиллиги ҳақидаги референдум шарафига тузилган бўлди. Масаланинг ечими бир нарсада — декабрчилар сўзининг украин тилида унчалик тўғри чиқмаётганлигида қолди, холос.



НОЛДУЗИ

РУЗНОМА 1929 ЙИЛ, 1 АВГУСТДАН «ЛЕНИН УЧУНИ» НОМИ БИЛАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА
УСМИРЛАРИНИНГ
РУЗНОМАСИ

МЕН ЎҒРИ ЭМАСМАН

Кўп қаватли уйларда яшаймиз. Бир қаватда бир неча хонадон яшаса ҳам бир-биримизни унча яхши танимаймиз. Бу хонадонларда ҳам мактабда ўқийдиган, боғчага борадиган болалар бор. Лекин улар билан ҳеч бирга ўйнамаймиз.

Уйимизнинг тўғрисида жойлашган яна бир кўп қаватли уйда синфдошим яшайди. Бир куни мактабдан келгач, уникига қайсидир фандан берилган уй вазифасини сўрагани бордим. Анча вақт кўнғироқни босиб тургач, синфдошимнинг овози эшитилди. Ичкарига кириб, у билан китобларни кўра бошладик. Анчадан кейин эшик кўнғироғи яна жиринглаб қолди. Назокат унинг овозидан чўчиб тушди, кейин шоша-пиша менга «Агар ойим бўлсалар, ҳозиргина келдим, дегин», деб тушунтирди. Ҳақиқатда, Назокатнинг онаси ишдан келган экан. Ичкарига қадам қўйиши билан мени кўрди-ю, саломимга истар-истамас алик олиб, ёқтирмаганини сездирди. Узимни худди ўғирлик устида қўлга тушган одамдек ҳис қила бошладим. Назокат эса бунинг устига «У ҳозир келди. Биз дарс тайёрлятувдик...», дея «тушунтириш» берарди. Тезда кийиниб уйдан чиқиб кетдим.

Синфдошимнинг уйда ошиқча бир дабдабали, ҳашаматли, қимматбаҳо нарсалар йўқ, бунинг устига уларникида бирон ортиқча нарса ейишга уринганим ҳам йўқ. Мени эса синфдошимнинг онаси қилган иш анча ўйлантириб юрди. Менимча, кўп қаватли уйлардаги яшовчилар бир-бири билан борди-келди қилмаслиги ҳам ишончсизликдан бўлса керак...

М. САИДНОСИРОВА,
Самарқанд шаҳри, Боғишмол тумани.



«ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ» МУКОФОТИ
СОҲИБИ! ЙЎҒ-Э, РОСТДАН-А?



Мусаввир. Унинг қалби ва руҳи ҳамиша безовта. У кўча кезар экан, ҳамма кишиларга ўхшаб борлиқдаги шарпаю нарсалар ёнидан бефарқ ўтиб кетолмайди: уйғоқ руҳи ҳар дам янгилик сари юришга ундаб туради.

Тасаввур қилинг: мусаввир кетмоқда, йўл четигаги дарахтга кўзи тушди, зарур-нозарур ишларни унутди, дарахтни синчковлаб кузатди, хаёл қилди... У худди шу пайтда нималарни ўйлаб, нималарни тахминлади — буёғи бизга қоронғу. Ана у оҳиста-оҳиста юриб уйига қайтмоқда, кирдию, хотирасида муҳрланиб қолган манзарани чиза бошлади. Ун сония ўтди, у расмни тугатди, олдингизга қўйди-да, индамай тураверди. Унинг иши жонли чизиқлар билан манзарани кўрсатмоқ, таърифлаш эмас. Агар сиз у чизган манзарага тикила туриб ҳиссиётингиз уйғонса, демак, — мусаввир истейдодли, агар акси бўлса, — бу мусаввирнинг бахтсизлиги.

Сизнинг ҳиссиётингиз қўзғалса мусаввирнинг ўй-хаёлидан кечган кечмишлар сизга бегона эмас, у билан руҳий алоқа ўрнатишингиз мумкин.

СУРАТДА: мусаввир Рўзи Чориев раҳбарлигидаги жумҳурият ёш ҳаваскорлар тўғараги аъзоси, пойтахтдаги 110-мактабнинг иқтидорли ўқувчиси Нурали Бобомуродов ҳамфиكري билан.

У яқинда чизган нафис расмлари учун «Жавоҳарлаъл Неру» мукофоти соҳиб бўлди.

Р. ШАРИПОВ суратга туширган.

МУРАББИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

сўзларини шубҳа аралаш тингладим. Малика опа бу ишончсизликни англади шекилли, машғулотга қатнашишимни маслаҳат берди.

Кирдим, афсусланмадим. Муаллима опанинг ёниб сўзлаган сўзларига ҳеч эътирозим қолмади. Танафус бўлганлигини ҳам сезмай қолибмиз. Ўқитувчида ҳақиқатан ҳам «ижрочилик маҳорати» бор эди. Ижрочилик маҳорати нима, деб таважжубга тушаётган бўлсангиз керак! Бу шундай иқтидорли ўқитувчи асардан бирор қаҳрамонни тушунтириш чоғида, айнан ўша қаҳрамон образини ҳам санъаткорона ижро этади.

Танафус чоғида барча ўқувчилар ўқитувчини қуршаб олдилар. Ва маш-

ғулот давомида тушунмаган, ёки ўзларини қизиқтирган саволларга кўмиб ташлашди.

— Биз, — дея гап бошлади 6-«Б» синф ўқувчиси Ваҳобжон тўлқинланиб, — адабиёт фанини яхши кўраимиз. Чунки бу фани Малика опамиз ўтади.

Ўқувчи демоқچики, Малика опам ўтадиган машғулот барча машғулотлардан қизиқарлиги билан устивордир. Болаларга дилда борини рўй-рост тўкиш бу. Эътироз билдириш қийин. Хулосаси ўзингизга ҳавола.

— Менинг муаллима бўлишимга, — дейди Малика опа, — Туйғуной опа (ҳозирги кунда у киши жумҳурият медала ошириш олийгоҳида илмий ходим бўлиб ишламоқдалар) кўп ва хўп ёр-

дам берганлар. У киши бизга тил-адабиётдан дарс берар эдилар. Бир машғулотда «Ким бўлсам экан?» мавзусида иншо ёздирдилар. Мен ўшанда «худди сизга ўхшаган муаллима бўламан» деб ёзгандим.

Қисқаси, Туйғуной опадаги барча хислатларни мен ўзимга сингдириб олганман.

Малика опанинг оиласини «ўқитувчилар сулоласи» десак ярашади. Чунки, оталари Сафо ота ва оналари Матлуба ая ҳам ўқитувчидирлар. Айни вақтда пенсионерлар. Улар саккиз фарзандни тарбиялаб, шулардан олтинчиси ўқитувчи деган буюк номга сазовор бўлишларига кўмаклашишди.

Ҳа, бу оилага ҳавас қилса арзигулик.

Инобат УБАЙДУЛЛАЕВА,
ТошДД журналистика куллийети талабаси.

Ўқитувчи ҳақида ёзишга ўтирганимда унинг қадрини варақча тушган ун-сиз сатрлар ўлчай олармикан, деган фикр ҳаёлимдан кечади. Йўқ, дейман, сатрлар ожизлик қилади. Унинг қадри дилларда нечоғли жо эканлиги билан ўлчанади. Зеро, ўқитувчи яратувчи, биз ҳар кимга ишлатаверадиган сўзлардан, қуруқ мақтовлардан юқори туради.

— Машғулотни ўтар эканман, — дейди Тошкент шаҳридаги 243-мактаб тил-адабиёт муаллимаси Малика опа Каримова, — мени бир ҳаяжон босади. Бу ҳаяжон бераётган сабоғим. тингловчим қалбига етиб бораптимикан, деган савол таъсиридандир. Тушуняспизми, мени дарс ўтиш соати эмас, уни ўқувчи қандай қабул қилапти, бирор тушунча оляптими, йўқми, шу қизиқтиради.

Тўғриси айтсам, опанинг самимий



УЛАР ҲАМ НОҲАҚДИРЛАР!

Ўтган чоракда мактабимизда катта йиғилиш бўлди. Унда мактаб ўқувчиларининг давомати, интизом масалалари билан бирга яна бир масала кўриб чиқилди. 8-синф ўқувчиси Баҳром ўз ўқитувчисини ёмон сўз билан ҳақоратлади. Йўқ, сўкмаган, қайтаришни истамайман-у, ҳақоратлагач. Албатта, бу жуда беҳурматлик. Айниқса, сенга билим олиш, ақлли, заковатли бўлишингга қўмаклашаётган киши учун оғир.

Йиғилишда бундай одобсизлик жиддий муҳокама қилинди. Айбдорга насиҳатлар берилиб, огоҳлантирилди. Йиғилиш тамом бўлди-ку, аммо кўпчилигимизнинг кўнглимиз хира бўлиб қолди. Чунки Баҳромдан ҳеч ким бир оғиз сени ўқитувчини ҳақорат қилишга нима мажбур қилди, деб сўрамади. Биз эса буни билар эдик.

Одатий ҳол. Ўқувчи орқасида ёки ёнида ўтирган синфдоши билан сўзлашиб қолса, бирон ноҳўя ҳаракат қилса, ўқитувчи уни тартибга чақириши мумкин. Лекин баъзида «Эшак», «аҳмоқ», «ақлсиз» каби узундан-узун келтириш мумкин бўлган ҳақорат сўзлар кўпчилик ўқитувчиларнинг лексиконида таяёр. Баҳром билан ҳам шундай бўлди. У ўз муаллимсининг оғзидан қатор бўлиб чиқаётган ҳақорат сўзларга чидаб тура олмади... **С. АСҚАРОВ,** Шўрчи туманидаги «Правда» колхозчи.



КЎЙЛАК ТИКИБ БЕРАМАН

Ўтган йилларда мактабимиз қизлари меҳнат таълими дарсига қизиқшмасди. Сабаби, қизлар ҳам ўғил болалар билан биргаликда трактор техникаси, машинани қандай бошқариш ҳақида сабоқ олишар эди. Биз эса меҳнат дарсларида бичиш-тикиш, тўқишларни ўрганишни орзу қилардик.

Яқинда мактабимизда ажойиб хушxabар тарқалди. Қизларга меҳнат таълимидан сабоқ берадиган ўқитувчи келибди. Севинганимизни кўрсангиз эди... Мактабимизни оталиққа олган Зомин тумани савдо бирлашмасидаги амакиларимиз Кореяда ишлаб чиқилган тикув машинани совга қилишди. Ҳозирги кунда устозимиз Буврайма опа Омоновадан бичиш-тикишни ўрганиб бораёلمиз. Меҳнат таълими дарсларимиз эса жуда қизиқарли ўтмоқда.

Дилором РАСУЛОВА.

Жиззах вилояти, Зомин туманидаги 44-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

«ЮРГИМ КЕЛЯПТИ, ОНАЖОН!»

МАҚОЛАСИНИ УҚИБ ...

«Тонг юлдузи» газетасида эълон қилинган «Юргим келяпти, онажон» сарлавҳали мақолани ўқиб, юрагим эзилди кетди. Устозим Ҳасанбой ака билан маслаҳатлашиб, шу мактубни ёзишга аҳд қилдим. Устозим билан ҳамкорликда оёқ, қўллари шол бўлиб қолган, тутқаноқ касали билан оғриган беморларни даволаб келямиз. Беморларнинг миннатдор дил сўзларини эшитишдан ортиқроқ бахт бўлмас керак. Нуриддинга ҳам кўмагим тегиб қолиши мумкин, деган илинжда уларнинг уйига мактуб ёзмоқчи эдим, лекин газетада унинг манзилгоҳи тўлиқ кўрсатилмаган экан. Шунинг учун сизларга хат йўллаяман. Манзилгоҳимни эълон қилсангиз, бизникига Нуриддинни олиб келишини ёки менга мактуб ёзишини. Қўлимдан келган ёрдамимни аямайман. Манзилгоҳим қуйидагича:

Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, XXII-партсъезд жамоа хўжалиги, Киров кўчаси. Деҳқонова Насиба. (авторхонанинг ёнида яшаймиз).

МУҲАРРИРИЯТДАН: Нуриддиннинг аянчли тақдирини қалбларни ларзага солади. Ўзбек халқи қалби кенг, меҳри дарё бир халқки, уларнинг орасида Нуриддин каби қалби ўқсик болаларга қўлидан келган ёрдамни аямайдиган инсонларнинг кўплаб топилгани тайин. А. Мансуров мактубида Нуриддин Уринқулов манзили тўлиқ кўрсатилмагани учун экстрасенс Насиба Деҳқонованинг мактубини тўлалигича эълон қилишга қарор қилдик. Шояд, Насибанинг уйдан Нуриддин ўз оёқлари билан юриб чиқиб кетса.

Тасаввур қилинг, биз қадам босиб турган жой — глобусда умуман кўрсатилмагандир?! Лекин глобусда кўрсатилмаган ер бўлса ҳам унда ўша нуқтада тарбия тошган болаларни келажакда бутун ер шарни таниши мумкин. Бунинг учун эса кўпроқ ўқиб-ўрганиш керак. Ўзимизни маълум бир фан ёки ҳунарларда кўрсатиб бермоғимиз даркор.

Сариосиё туманида 61-мактаб бор. Бу мактабда ажойиб музей ташкил этилган. Ўқувчилар қўли билан яратилган музей болаларга Улуғ Ватан урушида қатнашган ҳамқишлоқлари ҳақида, байналмилал жангчилар ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: мактаб ўқувчиси «ўша нуқта»ни қидиряпти.

А. ЧАПЛИГИНА олган сурат.



Фарзандлар тарбияси кейинги пайтларда иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Аввал иқтисод, сўнгра, сиёсат деганларидек, ота-оналаримиз оила, рўзгор ташвишидан ортмаслиги оқибатида, фарзандлари юриш-туришидан бохабар бўлолмапти. Натижада улар томонидан майда безорилик, ўғирлик каби жиноятлар кўплаб содир бўлаётти. Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясида асосан мактаб, баъзи устозларимизнинг оила жавобгар, деб ҳисоблаши боисидан муҳим иш сансолар бўлиб қолмоқда.

Бу гаплар янгилик эмас, мажлисларда қайта-қайта такрорланган. Афсуски, бу гапларнинг ҳаммаси қоғозлардагина қоларди, холос. Ёки қайсидир боланинг боши деворга текканида яна бир бор эса олинади, қоғозлаштирилади. Хўш, нима қилмоғимиз керак? Фарзандинг тарбияси билан шуғуллан, деб, бир-биримизнинг ёқамиздан олиб туришимиз керакми? Қолаверса, бугун қоғоз асрида, қоғоз кўп нарсани ҳал қилади-ку. Шу боис қадимдан фарзанд тарбияси учун жавобгар бўлиб келган, ҳозирги кунда биз ишга кўмиб ташлаган аёлларимиз — оналар учун қисқартирилган иш вақти жорий этсак, барвақтроқ уйга бориб фарзандлари ёнида бўлиш имконини яратсан амалий ёрдам қилган бўлмаймизми? Тўғри, мен сиёсатдон, иқтисодчи эмасман ёки биз орттирган вақтдан барча оналар тўғри фойдаланишига кафолат ҳам беролмайман. Лекин ҳозирги кунда фарзанд тарбиясини бош масала қилиб қўйсакки, эртанги кунимизга, келажакимизга умид боғлашимиз мумкинлигини яхши биланман. Кимларнингдир таъсирида жиноят содир этаётган, ўзгалар мулкига тажоввуз қилаётган «тарбияси оғир» болалар сонининг кундан-кунга ўсиб бораётгани матбуот орқали маълум қилиб бориляпти. Жиноятларнинг олдини олиш, болаларнинг дарсдан бўш вақтлари кўнглили ўтишини таъминлаш, улар сонини камайтириш имкониятларини изламас эканмиз кўпайиш даражасини «кўз-кўз» қилиб, аюҳанос солишдан не фойда!

...Абдумалик ана шундай ўз-ўзимизни алдаш учун ўйлаб топилган «тарбияси оғир болалар» жумласига киради. Отаси қамоқда, онаси Любовь Дмитриевна кўча суғурувчи бўлиб ишлайди. Унинг фарзанд тарбияси билан шуғулланишга «вақти етишмайди» (тўғрироғи ўзи истамайди).

Абдумалик 234-мактабда ўқир эди. 5-синфни бир амаллаб тамомлаган. Фанларни ўзлаштира олмаганиги, қониқарсиз хулқи учун уни мактабдан ҳайдади. (Энг осон йўли шу шекилли). 1988 йилда эса майда безорилик содир қилгани учун Собир Раҳимов туман ички

ишлар бошқармасининг Балоғатга Етмаган Ўсмирлар билан ишлаш инспекциясида профилактика ҳисобига олинди. Абдумалик масаласини муҳокама қилиш учун тузилган комиссия уни 1-пай-афзал фабрикасига ишга юборди. Абдумалик у ерга ишга бормади, конфет чиқарадиган корхонага ишга жойлашади. Кейинчалик эса ҳеч қандай машғулоти йўқ, ўқимайди ҳам, ишламайди ҳам. Бўш вақтнинг кўплиги, қизиқарли машғулоти, жавобгарлик ҳисси йўқлиги жиноятчилик илдининг ривожланишига, авж олишига олиб келади.

Кечки пайт. Зерикарли, мазмунсиз ўтаётган кунларнинг бирида Абдумаликлар уйига бир дўсти меҳмон бўлиб келади. Икковлон кечаси алламаҳалгача қандайдир режалар тузиб чиқишади. Ушанда тузган режалари зерикарли кунларини бироз бўлсада қизиқарлироқ ўтказиш учун имкониятдек туюлганди Абдумаликка. Туни билан қабиҳ режаларини пиштириб чиққан ҳаптовоқлар, эртаси кунни соат 21—22 лар чамасида Ўтқир Каримовга тегишли автомашинани ўғирлаб кетишиди. Гараж эшигини осилган қўш қулфни аралаш, машинани ҳайдаб олиб чиқиш каби асосий ишларни дўсти бажарди, лекин биров пайқаб қолмасин, дея пойлоқчилик қилган ҳамда ма-

УИДА, МАКТАБДА

УҚИНГ, МУҲОКАМА

ҚИЛИНГ!

онаси ёзган тушунтириш хатидан айнан келтирилди. Изоҳнинг ҳожати йўқ, шундай эмасми? «Унинг отаси ҳам қамалган. Бу нарса эса Абдумаликка ёмон таъсир қилди. Тўғриси, ўғлимнинг тарбиясини отаси бузган», дея барча айбни қамоқдаги эрига ағдариб қўйган она бу гапларни нима мақсадда гапирди? Ўз-ўзини алдаш, овутиш учунми ёки ўтирганларга ўзини «фаришта» қилиб кўрсатиш учунми, бу фақат ўзига аён, бизга эса бир нарса аёнки, вояга етмаган фарзандининг қора курсига ўтиришида онанинг «улуши» катта. Шу ўринда бир савол туғилади. Маҳалла-куй, жамоатчилик, қолаверса, уни рўйхатга олган Балоғатга Етмаган Ўсмирлар билан ишлаш инспекциясининг ходимлари охири вой билан тугаши тайин бўлган Абдумаликнинг юриш-туришидан, босаётган қадамидан беҳабармидилар? Бир болани фақат ота-онагина эмас, бутун маҳалла тарбиялайди, деган ибратли удумларимиз қайда қолди?! ...Суд зали. Панжаралар



ЕХУД ОТА ИЗИДАН БОРГАН УҒИЛ ҲАҚИДА

шинага чаққонгина ўтириб олган Абдумалик бу жиноятга шерик. Аввал ҳам машина ўғирлагани учун судланган дўсти учун бу иш доимий машғулота айланиб қолган бўлиши мумкин. Лекин Абдумалик-чи? Жиноятга шериклик қилишга уни нима мажбур қилди? Ўртоғининг «машинани минг сўмга бўлса ҳам пуллаб, бўлишиб оламиз» деган ваъдасини ё шунчаки ҳавасми? Бизнингча, унис ҳам, буниси ҳам. Чунки у ҳеч қаерда ишламайди, бўш вақти сероб, бозор иқтисодиёти, ўзингиздан қолар гап йўқ... Бирор жойда ишлагин, ўқигин, дея тергайдиган «меҳрибон» онанинг холи маълум. Фарзанди 3—4 кунлаб уйга келмас ҳам суриштириб, тергайдиган, оналик масъулиятини ҳис қилмайдиган аёл тарбиясини кўрган фарзанддан бошқа нима ҳам кутиш мумкин?!

«...Ўша кунни ўғлимнинг ёнига бир ўртоғи келди. Улар ошхонада ўзбек тилида узоқ суҳбатлашди. Нималар ҳақида гаплашишганини тушунмадим. Эртаси кунни «сигарет олиб келамиз», дея чиқиб кетишди. Орадан 3—4 кун ўтгач кечаси ўғлим бегона машинада келиб кийимларини алмаштириб кетди. Қаерда юрганини сўрасам, «ўртоғимникида» дея чиқиб кетди. Кейин эса унинг ўғирлиги ҳақида эшитиб қолдим».

Бу сўзлар Абдумаликнинг

Феруза ЖАЛИЛОВА.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

● Шимолий осетиялик Осман Гобисов бор-йўғи икки ёшга тўлган. У уйда пистолет (ҳақиқий) билан ўйнаб ўтирганида уларникига қариндоши Витя Хайтидов келиб қолди. Эшикдан кирган Витяга у пистолетни тўғрилаб тепкини босди. Уқ овози янграб Витя шу заҳотиёқ жон берди. Осман эса «ўйинчоғи»ни улоқтириб, йиғлаганча ўзини Витя олиб келган айиқчага ташлади.

● Одесса киностудияси «Ҳаво қароқчилари» фильмининг суратга ола бошлади. Фильмининг олиш учун иккита ҳақиқий самолётни портлатиш керак экан. Керак бўлса портлатамизда дейишмоқда фильм ижодкорлари.

● Тириклик пайтида Ленин жуда камтар яшаган. Лекин ҳозирги пайтда уни сақлаш учун миллиардлаб сўм сарфланмоқда.

ПОҒОНАЛАР ЮҚОРИЛАМОҚДА

Мақтабимизда спорт билан шуғулланадиган болалар орасидан саралаб «Тайфун» спорт жамоаси ташкил этиди. «Тайфун» кўп мусобақаларда биринчиликти қўлга киритиб келмоқда. Беруний тумани Островский номидаги мактабнинг «Олимпия», Негайли туманининг «Юлдузча» командалари билан бўлган беллашувларда ғолиб бўлди. 1991 йилда Қорақалпоғистонда ўтказилган «Қувноқ стартлар» мусобақасида қатнашиб, финал ўйинларига йўлланма олди.

Командамиз қудратини оширишда «тайфун»чилардан М. Холмуратов, Ж. Халиллаев, О. Йўлдошева, М. Бобожонова, З. Аметованинг эпчиллиги, чаққонлиги ва кучлилиги қўл келди.

**Ш. РАЖАПОВ,
Б. ҚҒЗИБОВЕВ,
Беруний шаҳар, 47-мактаб**

ЁШ ПОЛВОН

Бу йил мактабимизда миллий кураш тўғрисида ташкил қилинди. Ўқувчилар унинг сирларини Ерқинжон полвон Боймуродовдан ўрганишпти. Музаффар ва Эгамберди Ашуров, Шукр Зокиров, Азиз Қурбонов тўғрисида фаол аъзоларидир.

Яқинда туманимизда ўтказилган 1976 — 1977 йилларда тузилган ёш полвонлар беллашувида 14 ёшли Музаффар Ашуров биринчи ўринни эгаллаб, мусобақа ғолиби бўлди.

Умид қиламизки, мактабимизнинг ёш полвонларидан ҳам Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қила оладиган катта полвонлар етишиб чиқади.

**Нигора РОЗИҚОВА,
Балиқчи тумани, 12-мактаб
ўқувчиси.**

«ЛАНКА» ҲИЙИНИ: КИМ НИМА ДЕЙДИ?

Бизнинг ланка тепаётганимиз кўпчилигининг жаҳлини чиқаради. Айтишларича, ланка ҲИЙИНИДАН грижа касаллиги келиб чиқар экан. Шу тўғриси?

**Яшнар ОМОНХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.**

— «Ланка» сўзи хитой тилига мансуб бўлиб, «сунъий нарсани ҳаракатга келтириш» маъносини беради, — дейди ТошДД филология куллиётининг тил ўқитувчиси Толиб Эназаров. Лекин бу жавобнинг ўзигина ўқувчиларимизни қониқтирмайди. Келинг, яхшиси болаларнинг сеvimли бу ҲИЙИНИГА тиббиёт юзасидан ёндошайлик. ТошДавТО болалар жарроҳлиги кафедрасининг мудири Раҳмон Умарович Умаров ланка ҲИЙИНИ соф спорт ҲИЙИНИ деб ҳисоблайди. Бу ҲИЙИНИ болалик вақтларида у кишининг ўзлари ҳам ҲИЙИНАГАН эканлар.

— Чурра касаллиги асосан туғма бўлади, — деб изоҳлайди врач. — Бунда қорин бўшлиғидаги ичак ва чарвилар организмнинг нотўғри фаолияти натижасида чурра халтасига тушиб қолади.

Чурра ҳасталиги ҳаёт давомида ҳам содир бўлиши мумкин. Бу асосан болаларнинг ўзларининг ёшларига нис-



батан анча оғир бўлган нарсаларни кўтаришлари натижасида содир бўлади. Яна ҳаддан ташқари озиб кетиш ёки тўқималарнинг заифлашуви оқибатида ҳам чурра пайдо бўлиши мумкин.

Ланка ҲИЙИНИ эса чурра касаллигини келтириб чиқармайди. Уни болалар бемалол тепаверишлари мумкин. Фақат эҳтиётсизлик ва тўсатдан қилинадиган ҳаракат натижасида чет орасидаги туҳумлар ўз ўқи атрофида айланиб, бурилиб қолишидан сақланиш керак. Ланка ҲИЙИНАГАН болаларнинг ич кийимлари тор бўлмаслиги керак. Болалар бу каби баъзи оғоҳлангирлиқларга эътибор беришса бўлгани, ланкани бемалол тешиш мумкин.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Шунга қарамай, ланка ҲИЙИНИ кўпчилигининг дидига ёқмайдиган, аксарият катталарнинг нозилигига сабаб бўладиган ҲИЙИНИ ҳисобланади.

Қани сиз нима дейсиз, болалар? Ота-онангиз, ўқитувчиларингиз-чи? Катталар сизларнинг яна қандай ҲИЙИНИларингизни таъқиқлашади?

Шулар ҳақида бизга ёзиб юборинг.


Нодир АЛИМОВ.

Созлолжон
СПОРТ
КЛУБИ

Хурматли муштарийлар!

Орангизда шахмат ҲИЙИНИГА қизиқувчилар жуда кўп. Муҳарририятимизга келаётган хатларда тенгдошларингиз оилада, мактабда, спорт тўғрисида ушбу нафис ва жиддий фикрларини талаб қилувчи ҲИЙИНИНИНГ сирасорларини ўрганиб боришаётгани ҳақида ёзилади. Уларнинг аксарияти газета саҳифаларида шахмат дарсларининг ўтирилиши сўрайдилар ҳам. Кўпчилигининг ушбу илтимосини инobatта олиб, бугундан бошлаб ойда бир марта шахмат дарсларини бериб борамиз.

Хиндистон шахмат ватани эканлигини ҳаммадан яхши биласиз. Аммо, қадимги Хиндистондаги шахмат ҲИЙИНИ ҳозирги замон шахматидан



анча фарқ қилиб, буни «чатуррожа», яъни «тўртта рожа» ёки «тўртта ҳоким» деб аташган. Чатуррожада тўрт ҲИЙИНИчи қатнашган. Икки киши қизил ва сариқ доналарини сурган бўлса, қарши томондаги

64 КАТАКДАГИ КАТТА «ЖАНГ»

икки ҲИЙИНИчи қоралар ва яшилларни бошқарган. Ҳозиргидагидек чатуррожада ҳам тахтадаги катакларнинг умумий сони олтинчи тўрттага тенг бўлган. Шуниси қизиқки, юриш навбати ошиқ ташлаб аниқланган.

Янги ҲИЙИНИ қисқа вақт ичида Хиндистонда оммавий тус олади ва у тез орада бу мамлакат билан савдо-сотиқ ва маданий алоқалар олиб борувчи кўпгина юртларга тарқалади.

Абул-Қосим Фирдавсий ҲИЙИНИНИНГ «Шоҳнома» асарида ривоят қилишича Ганг дарёси соҳилларида жойлашган Капужа вилоятининг рожаси Эрон ҳокими Нуширвонга (529—577 йиллар) совға тариқасида шахмат доналари ва тахтасини жўнатади, ушбу мазмунда мактуб йўллайди: «Олампахо, истагим шуки, салтанатингиз олам тургунча турсин. Мамлакатингиздаги барча олим фозилларни ҲИЙИНИ, уларга мен юборган

ҲИЙИНИНИНГ қонун-қоидаларини топиши буюрсангиз. Агар олимларингиз бу вазифани бажара олсалар, у ҳолда биз сиз талаб қилган ўлпонни ҳузурингизга жўнатишга тайёрмиз».

Эрон мулкининг донишмандлари қанчалик бош қотиришмасин, янги ҲИЙИНИ сирларини еча олишмабди. Ниҳоят Бузуржмир исмли вазир бу тилсимнинг калитини топиб, доналарнинг юриш тартиби ва барча ҲИЙИНИ қоидаларини аниқлабди. Нуширвон вазирга қимматбаҳо совғалар инъом этибди.

Буюк олим Абу Райҳон

қилиш шахмат ҲИЙИНИНИ янада жонлангирди. Шатранжни ҳинд чатуррожаси ва ҳозирги замон шахмати ўртасида боғловчи кўприк десак, янглишмаган бўламиз. Шатранжнинг янги қоидалари ҲИЙИНИНИ бойитди ва яшартирди. Аммо шатранжни ҳозирги замон шахматидан ажратадиган бир қанча элементлар ҳам мавжуд. Мот ҳолатини вужудга келтиришдан ташқари, рақиб шоҳини «пот» вазиятига келтириш ёки унинг барча сипоҳ ва пиёдаларини қириб, шоҳнинг яққа ҲИЙИНИ қолдириш ҳам ютуқ ҳисобланган.

Шатранж ҲИЙИНИНИ жон-ди-

Оқ доналар билан ҲИЙИНАГАН Хуршид ниҳоят танг аҳволга тушиб қолади. Дарҳақиқат, қоралар оқ шоҳга ҳар томонлама таҳдид солиб турибди: 1. ...Ла2х ёки 1. ...Ла8х, ёки 1. ...Л2б4х ва ниҳоят 1. ...Л8б4х.



Шунда маликаи Дилором ул созини чалиб, қўшиқ куйлай бошлайди. У кўнгил очиб учун эмас, балки эрига тўғри юришни ўргатиб, ашула айтаётган эди. Шаҳзода Хуршид вафодор Дилоромнинг айтганига амал қилиб, ҲИЙИНИНИНГ иккала руҳини ҳам қурбон қилиб, рақибини доғда қолдиради:

1. Лh8+ Кp:h8
2. Cf5+ Kpg8
3. Лh8+1 Кp:h8
4. g7+Kpg8
5. Кh6x.

Урта асрларда яратилган бу бу хилдаги шатранж масалалари «мансуба» деб аталган. Диаграммада кўрсатилган мансуба шахмат оламида «Дилором мансубаси» номи билан машҳурдир.

Болалар! Қани энди куйидаги шатранж мансубасини мустақил ечишга ўриниб кўринг-чи:

Оқлар: Кpд5, Фg4, Лg1, Сb5, Кh5 [5]; Қоралар: Кpg6, Лf7, Лh8, Кh6, п. h4 [5]. Оқлар бошлаб уч юришда мот қилади. Шароф МИРЗАЕВ



Спортдаги илк қадам

ШОИРЛАР — БОЛАЛАРГА



Пўлат МҮМИН

Вор экан бир болакай, Таърифни айта қолай; Росаям нонхўр экан, Аммо ўзи гўр экан. Беш-олтита нон унга Етмас экан бир кунга. Бор экан бувижони Хаммадан меҳрибони, Доим оларкан ёнин, Ҳозирлар экан нонин, Кўнглига қарар экан, Хизматга ярар экан. Айтганин ўшал асно Қилар экан муҳайё. Нима бўлди-ю бир кун Дўконга кемайин ун, Нонвой ёпмабди нон.

Нонларга-чи кирмиш жон Пайдо бўлибди бирдан... Келишгандай тоғ-қирдан. Теккандай зўр нарсага Атроф кирмиш ларзага. Иккови кийган этик, Новча паҳлавон-тетик. Новотранг ҳаммаёғи, Буғдойпоя белбоғи. Атрофни айланмишлар Зўр ишга шайланмишлар. Биттаси-чи дўриллаб Оҳиста очибди лаб: — Қани нонни отган ким?! Айтиб берарсиз балким! Болага бу савол, дўқ Текканмиш мисоли ўқ. Не қиларин билмасмиш, Турган жойдан

жилмасмиш. Кўзлари бўлиб ола Қочмоқ бўлибди бола. Эшик томонни дарҳол, Мўлжал қилибди хиёл. Семириб кетган ахир, Қочолмасмиш барибир. Бувижони ҳам чўчиб, Турармиш ранги ўчиб. Донга кирганлигин жон Кўрмаганди ҳеч қачон. Саксон ёшга кириб ҳам Боши бўлмаганди ҳам. Энди-чи тили ҳам лол, Ўзида йўқмиш мажол. Буви билан набира Бундай бўлар деб сира — Уйламаган экан-а,

шулки, — Сумалак еган тўйиб Меҳр-у ихлосин қўйиб Соғлигин этар таъмин, Сумалак — сервитамин. — Биз донлар

олтиндирмиз, Олтиндан олдиндирмиз, — Айтаверсак бирма-бир Бизларда ҳам кўпдир сир. Биз эрурмиз уруғ-дон, Кузда ғаллакор дехқон Ерни ҳайдаб атайлаб, Бизни сепар авайлаб. Ўзимдан айтақолай, Ишонарсиз ҳарқалай: Тупроқ остида ётдим, Қишда сал совуқ қотдим. Келгунча то баҳор Кўрпам бўлди оппоқ қор. Кўклам бошланди ёмғир, Шаббода эсди ғир-ғир. Кўёш чиқди йилт этиб, Тупроқ бағрин илтиб. Анча иссиққа қондим, Секин-аста ўйгондим. Жонланиб ўша кездан Уна бошладим тездан.

Ердан бошим кўтардим, Ниш урдим ва кўкардим. Кўзим тушди офтобга, Қарагандим атрофга. У-чи, менга сочди нур, Росаям қилдим хузур. Қирлар биздан ям-яшил, Ниҳоллар эдик ахил. Тенг ўсарди бўйимиз, Бошоқ бўлиш ўйимиз. Баъзиларнинг бор сўзи: «Буғдой ўзидан ўзи Ерда ўсаверади. Роса ҳосил беради» Биз лекин оппа-осон Ўсолмаймиз ҳеч қачон. Бизни эккан ғаллакор Тун-у кун-у хабардор. Тинмайин парваришлар Чекар заҳмат-ташвишлар. Хава бўлади турли, Гоҳ булутли, гоҳ нурли. Гоҳо бирдан келар сел, Эсиб қолар гармсел. Аиниқса бегона ўт Бизга солади човут. Бўғди бўғзимизни, Ейди озиргимизни. Учрар ҳар хил ҳашарот, Аиниқса каламушлар Текинхўр — ғаламислар Кемирар, қилар ғорат. Бўлиб қолиб хабардор Бу ҳоллардан ғаллакор Беради улар додин, Куритар отин-зотин. Биз учун ана шундай Ғаллакор ишлар тинмай. Шамолда шовуллаймиз, Офтобда ловуллаймиз. Айтгандай куй-қушиқ Тинглайди дала-қуриқ. Қилган мисоли ҳавас — Бошоқ бўлдик басмабас. Кўёш берди рангидан. Биз ўсгандек янгидан. Олтин тусда ҳаммаёқ, Пишдими дея бошоқ — Агрономлар кўришар, Комбайнда ўришар Байрам бошлаб ҳозирдан Севинишар ҳосилдан. Ҳамма бизни авайлар, Катта хирмонга жойлар. Қарасангиз-чи шу чоғ Биз донлар бўлгандик тоғ. Гўё бошимиз силаб Қуритишар яхшилаб, Машиналарга ортишар, Торозуга тортишар. Сўнгра тегирмон томон Етволдик эсон-омон. Ун завод-тегирмонда Иш қизган ҳар ёнда. Қарабсизки ун бўлди, Минглаб қопларга тўлди. Сизга аниқ ҳойнаҳой, Энди иш бошлар нонвой.

Уйқусидан тонг-сахар Уйғонади ҳар сафар. Тахт турар оппоқ унлар, Нонвой хамирга унлар. Тондирнинг ичи оташ, Фақат нонвой берар дош. Битталаб ёпар нонни. Аямай ширин жонни. Тушади жиққа терга, Нон уюлар ён-верга. Ҳар бир нонни авайлаб, Катта саватга жойлаб, Уни қўйиб бошга Эллади юртошмига. Мен шеър битиш ўйинда Ўтирдим уйимда. Эшикдаги кўнғироқ Чалиниб қолди бироқ. Хиёл ўтиб фурсат-он Кириб келди бир ўғлон. Салом берди аввали, — Иккита дон-чи ҳали Бизни роса бошлади... — Деди, сўзин соплади. Бўйин эгиб турди жим. — Хўш, ўғлим, бўласиз ким?

Жавоб берди мўлтайиб, Қилиб қўйгандай айб. — Нон-чи, сал қотган эди, Емасдан отган эдим... Сўзлаб берди барини, Бўшатиб дил-бағрини. Иқрорлиги сезилар, Ўз-ўзидан эзилар. — Майли боргин-да ҳозир, Бувингдан сўра узр. Бергин яхши эътибор Мингларнинг улуши бор. Нон инсон ризқи-рўзи, Унга тер тўкар ўзи, Шунинг учун нон улур, Таом эрур мазали. Нон асос тўқчиликка, Бахт эрур кўпчиликка. Ҳар қаерда, ҳар қачон Осоиликча келмас НОН.



ОСОИЛИКЧА КЕЛМАС НОН



ЭРТАК

Бувиси бўпти ҳайрон, Нонлож қолиб бироқ Хиёл суви қочганроқ Нон келтириб қўйган он Бошланибди тўпалон. Бу сафар овунмабди, Насиҳатга кўнмабди. Не бўлса дастурхонда, Нима бўлса шу ойда — Чойнак, пиёла, қанддан Сочилибди ҳар томон. Иккита оппоқ нонни, Йўқотдимиз виждонни — Отибди бувисига... Не дейсиз бу ишга?! Бувиси боқса шу он Ерда ётар экан нон, Гўё кўрар эмиш туш, Бирдан йўқотгандай хуш, Хираланиш кўз ўнги, Лоҳас бўлибди кўнгли. Ўзига келмиш кейин Сўнг нонни ердан секин Олиб ўпибди аввал Кўзига суртибди сал. Кўзларидан ёш оқиб, Набирасига боқиб, — Тортмоқ бўпти шапалоқ, Раҳми келибди, бироқ. Дилда хижолат тоши Нонга оқмиш кўз ёши... Томган ёш ялт-ялт этмиш, Юраклар қалт-қалт этмиш. Бор эканми ажиб сир, Кўз ёши этиб таъсир — Рўй берибди мўъжиза! Эртакнамо ҳодиса...

Эҳ, бўлмишлар шарманда! Бу паҳлавон Икки ДОН Хонани аста кезмиш, Улар қўрқанни сезмиш. Тиниқ экан-да фаҳми, Кепти уларнинг раҳми. Четроқда сўзлашибди, Яхшилик кўзлашибди. Бирни юпатган бўлиб Аста сўзлабди кулиб: — Набيرانгиз-чи буви, Бу ҳолда чиқар чувни! Ноннинг азизлигининг Биласиз таг-тагини. Бизлар-чи, нон бўлгунча Ишлашади озмунча. Маза қилиб нон еган Қадрини билса экан, Биз донлар олтиндирмиз, Олтиндан олдиндирмиз. Наврўз маҳал сумалак Биздан бўлади, демак, Кузатинг қизик оғни, Бўйрага ёйиб донни — Қоронғироқ жой топиб, Туришади сув сочиб. Вағримизга ўтиб нам Ниш урамиз чинакам. Шарбатимиз идишга — Йиғиб, тушарлар ишга. Хўп қайнатиб қозонда Сузишади азонда, Пиширганга раҳмат деб, Пиёла-пиёла еб, Бошларан ўйин-кулги, Гапинг мазмун

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз фарзандимиз Умиджон! Меҳнатсевар ва доно, ҳулқи аъло жигарбандимиз. Биз сени 12 баҳоринг билан самимий қўтлаймиз. Сенга сиҳат-саломатлик, ўқишларингда муваффақиятлар тилаймиз. Сени табрикловчилар: Ота-онанг. Жиззах вилояти, Зомин тумани, Ульянов шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 10-хонадон.



Ҳаммамиз ҳам маълум маънода чолғучимиз. Бирон бир мусиқа асбобини чалишни билмасак-да, ёлғиз қолганда «тингирлатиб» ўтиришга ҳаммамизда хоҳиш бор. Куй-қушиқни, аиниқса, дала-қирларга чиқиб кетганингда дилинг тусаб қолади. Шунинг учун, суратдаги устоз-шогирдларнинг табиат қўйнида куйлагилари келиб қолганига ҳеч ажабланмас бўлади. Ифсон қалби шунақа — унинг хоҳиш-истаклари доимо янгилашиб туради. СУРАТДА: Чиноз тумани, Омон Келди номдаги мактабнинг мусиқа ўқитувчиси З. Айтқулова билан шогирди О. Қўйчибекова. Д. АХМАД суратга туширган.

Ўқу ҚИЗИК

Зальцбург қўғирчоқ театри сахнасида ғойибдан шарпалар пайдо бўлганида ва арвоҳ сингари тўсатдан кўздан йўқолганида томошабинларнинг бадини жимирлаб кетди. Голлография-усули ёрдамида яратиладиган бундай эффектлар театрда илк марта қўлланилмоқда. Вунинг учун баландлиги, икки, эни бир метрли ойна сиртига голограмма туширилади. Ойнада «программалаштирилган» тасвирларни одатдаги ёруғликда инсон кўзи илғай олмайди, лекин лазер нури билан ёритилганда бу шарпалар яққол кўринади.

Лазер техникаси театр сахнасига ана шу тариқа кириб келди.

Олмониянинг «Розенкранц» ширкати дунёда энг баланд автокранни ишлаб чиқарди. У ўттиз тонна юкни 160 метр юқорига кўтар олади.

Дунёдаги энг катта қайиқ «Сага» сувости илмий текшириш қайиғидир. У Марокаш қирғоқлари атрофида муваффақиятли синая кўрилди. «Ифремер» ва «Коменс» номли француз ширкатида ишланган, узунлиги 28 метр бўлган бу қайиқ ўз атрофида келадиган сув ости атом қайиғига ҳам йўл бермайди. Унинг ичида ўрнатилган нодир техника энг қийин илмий текшириш ишларини ва амалий тажрибаларни бажариш имкониятини беради.



ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ. Бизнинг мавзилгоҳимиз: ТОШКЕНТ ШАҲРИ. ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЯ. Маълумот учун телефон: 32-54-21

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ. Таърир ҳайъати: В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), А. КУЧИМОВ, А. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИНИНГ БОСМАХОНАСИ. Тошкент шаҳри, 700033, Ленинград кўчаси, 32-уй. Чоп этиш вақти — 18.00.